



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
GIDROMETEOROLOGIYA
XIZMATI MARKAZI**

BUYRUQ

311-T-son 19.10.2022 yil

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 14 октябрдаги 595-сон
қарори ижросини таъминлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 595-сон қарорни ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари ҳамда Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низомлар тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзгидромет тизимидаги ишчи-ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзгидромет тизими ходимлари учун мажбурий бўлган одоб-ахлоқ қоидалари 2-иловага мувофиқ;

Ўзгидромет тизими ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича комиссия тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Комиссия аъзолари (Каримов, Сафаров, Кулумбетов, Ибрагимова, Исламов, Қориев, Алиева, Асилходжаева) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарорида белгиланган тартибда иш юритиш ва ижросини ташкил этишни таъминласинлар.

5. Кадрлар бўлими (Ибрагимова), Юридик бўлим (Исламов):

5.1. 2022 йил 25 октябрга қадар ички меҳнат тартиб-қоидаларини ва бошқа идоравий ҳужжатларни ушбу қарорга мувоқиқлаштирсин;

5.2. 2022 йил 1 ноябрга қадар амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялари, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментига тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда батафсил ахборот киритилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Одоб-ахлоқ қоидалари талабларининг бузилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ **интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.**

7. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Асилходжаева) ОАВ ва расмий веб-сайт орқали мунтазам равишда ушбу буйруқ мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёритишга қаратилган тадбирларни амалга оширсин.

8. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими (Қориев) мазкур буйруқ ижросини таъминлаш ва мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича белгиланган тадбирларни амалга оширилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борсин.

9. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиб бориш Бош директор ўринбосарлари И.Каримов ва Ф.Сафаров зиммаларига юклатилсин.

Бош директор



Ш.Ҳабибуллаев

Ўзгидрометнинг
2022 йил 19 октябрдаги
311 - сон буйруғига
1- илова

Ўзгидромет тизимидаги ишчи-ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига
риоя этилишини таъминлаш бўйича комиссия

ТАРКИБИ

№	Ф.И.О.	Лавозими
1.	И.Каримов	Бош директор ўринбосари, комиссия раиси
2.	Ф.Сафаров	Бош директор ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
3.	Қ.Кулумбетов	Бош директор маслаҳатчиси
4.	Ш.Ибрагимова	Кадрлар бўлими боллиғи
5.	А.Исламов	Юридик бўлим етакчи юрисконсульти
6.	Д.Қориев	Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими бошлиғи
7.	З.Алиева	Касаба уюшмаси раиси
8.	М.Асилходжаева	Ахборот хизмати бўлими рахбари

Изоҳ: Комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига
тайинланган шахс комиссия аъзоси ҳисобланади.